

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДИХ раиси _____	Э ва АММ кафедраси _____М.Тиркашева
“ ____ ” _____ 2013 йил	“ ____ ” _____ 2013 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ИЗОҲНОМА:

Мавзу: “Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги “Шафран крас”
пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхонасидан атмосферага ташланаётган
ифлослантирувчи моддаларни аниқлаш ва уларни камайтириш чора-
тадбирлари”

БИТИРУВ ИШИ ТАРКИБИ

Тушунтириш ёзуви _____ *бет*
График қисми _____ *варақ*

Талаба: Юлдашев Ҳасан

Битирув малакавий иши раҳбари: проф.Ҳасанов Ф.Ў.

ҚИСМЛАР БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР:

1. Ҳасанов Ф.Ў. _____
2. Тайлоқов А.А. _____

ТЕКШИРДИ:

1. Ҳасанов Ф.Ў. _____
2. Тайлоқов А.А. _____

ТАҚРИЗЧИ:

1. _____
2. _____

Жиззах-2013 йил

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Олий ўқув юрти

“Автотранспорт” факультети “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси”
кафедраси “Экология ва табиатдан фойдаланиш” таълим йўналиши 335-09
ЭваТФ гуруҳи

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Экология ва атроф муҳит муҳофазаси”
кафедраси мудири _____ Тиркашева М.Б.
“ _____ ” _____ 2013 йил

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____ **Юлдашев Хасан** _____
(фамилияси, исми шарифи)

1. Битирув ишининг мавзуси: **“Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги “Шафран крас” пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхонасидан атмосферага ташланаётган ифлослантирувчи моддаларни аниқлаш ва уларни камайтириш чора-тадбирлари”**

“ _____ ” _____ 2013 йил _____ сонли буйруқ билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишини топшириш муддати 20 июн 2013 йил.

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар: **Корхона бош режаси, цех ва бўлимлари, атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар, чанг газ тозалаш ўсқуналари (ЧТУ) маълумотлари, қабул қилинган, қайта ишланган ва сарфланган йиллик маҳсулотлар ва метеорологик маълумотлар.**

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби(ишлаб чиқиладиган масалалар руйхати): Объект жойлашган ҳудуднинг географик ва иқлим шароити тўғрисида маълумот, манбаларнинг атроф муҳитга таъсири таҳлили тўғрисида маълумот, корхона жойлашган ҳудуд атроф муҳит ҳолати, мўлжалланаётган объектнинг алтернатив баҳоси ва таҳлили, атроф муҳитга таъсир турларининг таҳлили, объект қурилишининг атроф муҳит ҳолатини ўзгартиришининг кутилиши, содир этилиши мумкин бўлган авария ҳолати ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари, умумий хулоса, меҳнат ва ҳаёт фаолият хавфсизлиги муҳофазаси.

5. Чизма ишлар (рўйхати) чизмалар номи аниқ кўрсатилади:

1. Корхона жойлаш ҳудуд ситуацион режаси М 1:100.

2. Ишлаб чиқариш цех ва бўлимлари схемалари М 1:100.

3. Корхонанинг атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар жойлашган схемаси М 1:100.

6. Битирув иши бўйича маслаҳат(лар)

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи Ф.И.Ш.	Имзоси, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	Топшириқ олиш	Ҳасанов Ф.Ў.	14.01.13	16.01.13
2	Кириш ва технологик қисмлар	Ҳасанов Ф.Ў.	21.01.13	31.05.13
3	Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси	Тайлоқов А.А.	01.06.13	05.06.13
4	Ҳаёт фаолият хавфсизлиги	Ахмедов С.А.	06.06.12.	11.06.12.
5	Хулоса	Тайлоқов А.А.	12.06.13	14.06.13

7. Битирув ишининг бажариш режаси

№	Битирув иши босқичларининг номи	Бажарилиш муддати(сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси
1	Топшириқлар олиш	14.01.13.	
2.	Кириш ва технологик қисмлар	31.05.13.	
3.	Меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси	05.06.13.	
4.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	11.06.13.	
5.	Хулоса	14.06.13.	

Битирув малакавий иши раҳбари: проф. **Ҳасанов Ф.Ў.** _____
(фамилияси, исми шарифи) (имзо)

Топшириқни бажаришга олдим **Юлдашев Х** _____
(фамилияси, исми шарифи) (имзо)

Топшириқ берилган сана 2013 йил 14 январ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Юлдашев Ҳасан

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ РАҲБАРИНИНГ ШАХСИЙ ХУЛОСАСИ

Малака иши мавзуси: “Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги “Шафран крас” пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхонасидан атмосферага ташланаётган ифлослантирувчи моддаларни аниқлаш ва уларни камайтириш чора-тадбирлари”

Топшириқ бўйича бажариладиган ишлар:

Битирув малака ишининг ҳисоблаш тушунтириш ёзуви _____ варақ
Битирув малака ишининг график қисми _____ дона

БАЖАРИЛГАН ИШНИНГ ҲАЖМИ

Ушбу битирув малакавий ишида корхона жойлашган ҳудуднинг ҳозирги экологик ҳолати, объект жойлашган ҳудуднинг географик ва иқлим шароити, манбаларнинг атроф муҳитга таъсири таҳлили тўғрисида маълумотлар, корхона жойлашган ҳудуд атроф муҳит ҳолати, мўлжалланаётган объектнинг алтернатив баҳоси ва таҳлили, атроф муҳитга таъсир турларининг таҳлили, объект қурилишининг атроф муҳит ҳолатини ўзгартиришининг кутилиши, содир этилиши мумкин бўлган авария ҳолати ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари, умумий хулоса, меҳнат ва ҳаёт фаолият хавфсизлиги муҳофазаси ёритилган. Табiiй муҳитни ифлослантирувчи моддаларни камайтириш борасида чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

АЖРАТИЛГАН ИШГА ТАЛАБАНИНГ МУНОСАБАТИ

Ушбу битирув малакавий ишни бажариш даврида талаба Юлдашев Ҳасан ўқиш даврида олган билим ва кўникмаларидан тўғри фойдаланди. Берилган топшириқни белгиланган муддатда тўлиқ бажарди. Амалиёт даврида йиғилган маълумотларни системалаштириб, таҳлил қилди ва хулосалар чиқарди.

Бажарилган ишнинг сифати Битирув малакавий иш “Экология ва табиатдан фойдаланиш” таълим йўналиши Давлат таълим стандарти талабларига жавоб беради.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИНГ КАМЧИЛИКЛАРИ:

Битирув малакавий ишида “Шафран крас” ғишт заводи корхонасининг атроф-муҳитга таъсири ўрганилди, лекин ифлослантирувчи манбалардан ҳосил бўладиган ифлослантирувчи моддаларнинг корхона жойлашган ҳудудда атмосферасига фонли таъсирини ўрганиш ва иқтисодий зарарни аниқ ҳисоблаш имконияти бўлмади.

Раҳбарнинг баҳоси: “Яхши”

Раҳбарнинг фамилияси: проф. Ҳасанов Ф.Ў. _____

“ _____ ” _____ 2013 йил

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ ТАҚРИЗИ

Битирувчи: Юлдашев Ҳасан

Мавзу: “Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги “Шафран крас” пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхонасидан атмосферага ташланаётган ифлослантирувчи моддаларни аниқлаш ва уларни камайтириш чора-тадбирлари”

МАЛАКА ИШИНИНГ ҲАЖМИ: **Чизмалар сони** _____ **дона**
Тушунтириш хати _____ **варақ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ:

“Шафран крас” ғишт даводи корхонасининг атроф муҳитга таъсири, жумладан: корхона жойлашган ҳудуд атроф муҳит ҳолати, мўлжалланаётган объектнинг алтернатив баҳоси ва таҳлили, атроф муҳитга таъсир турларининг таҳлили, объект қурилишининг атроф муҳит ҳолатини ўзгартиришининг кутилиши, содир этилиши мумкин бўлган авария ҳолати ва уни бартараф этиш чора-тадбирлари, умумий хулоса, меҳнат ва ҳаёт фаолият хавфсизлиги муҳофазаси кўриб чиқилган.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ КАМЧИЛИКЛАРИ:

Битирув малакавий ишида “Шафран крас” пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхонасининг атроф-муҳитга таъсири ўрганилди, лекин ифлослантирувчи манбалардан ҳосил бўладиган ифлослантирувчи моддаларнинг корхона жойлашган ҳудудда атмосферасига фонли таъсирини ўрганиш ва иқтисодий зарарни аниқ ҳисоблаш ишлари олиб борилмаган.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ ЮТУҚЛАРИ

“Шафран крас” пишиқ ғишт ишлаб чиқариш корхонасининг атроф муҳитга таъсири, корхона жойлаштирилаётган ҳудуднинг атроф муҳит ҳолати ўзгариши, мўлжалланаётган объектнинг алтернатив баҳоси ва таҳлили, атроф муҳитга ташланаётган ифлослантирувчи моддаларнинг табиий муҳитга ташланишини камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

БИТИРУВЧИНИНГ УМУМТАЪЛИМ ВА ТЕХНИК САВИЯСИ

Талаба **Юлдашев Ҳасан** Давлат таълим стандардида қўйилган талаблар асосида билим ва кўникмаларга эга.

Тақризчининг лойиҳага қўйган баҳоси **“Яхши”**

Тақризчи: _____
(тақризчининг Ф.И.Ш.)

“ _____ ” _____ 2013 йил



ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
Талабаси Юлдашев Ҳасаннинг

**“Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги “Шафран крас” пишиқ
ғишт ишлаб чиқариш корхонасидан атмосферага ташланаётган
ифлослантирувчи моддаларни аниқлаш ва уларни камайтириш чора-
тадбирлари”**

ТАҚРИЗ

Талаба **Юлдашев Ҳасаннинг** битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 9 июндаги 225 сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар” асосида бажарилган. Талаба битирув малакавий ишини бажариш жараёнида институтда яратилган шароитдан, институтнинг моддий техника базасидан фойдаланди.

Битирув малакавий ишни Давлат аттестация комиссияси ҳимоясига тавсия этаман.

“Автотранспорт” факультети

декани в/б:

(имзо)

Сайдахмедова Н.И.

(Ф.И.Ш.)

МУНДАРИЖА

	Аннотация	
	Кириш	
1.	Корхона хақида умумий тушунча	
1.1.	Корхона жойлашган ҳудуднинг иқлим шароити тўғрисида маълумот	
2.	Объектнинг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалари тўғрисида маълумотлар	
2.1.	Ишлаб чиқаришнинг атмосфера ҳавосини ифлосланиши жиҳатидан қисқача технологик маълумот	
3	Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш усули	
3.1	Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларнинг морфологик параметрларини аниқлаш	
3.2.	Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларнинг динамик параметрларини аниқлаш	
4	Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган ускуна ва қурилмалар тўғрисида маълумотлар	
5	Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбалар тўғрисида маълумотлар	
6.	Чангаз тозаловчи ва ифлослантирувчи моддаларни зарарсизлантирувчи ускуналар тўғрисида маълумотлар	
7.	Корхонанинг экологик хавфсизлиги бўйича тоифаси	
8.	Хулоса	
9	Фойдаланилган адабиётлар	
10.	Иловалар	

АННАТОЦИЯ

Ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбалар

сони – 10 та;

Ташкиллаштирилган манбалар – 2 та;

Ташкиллаштирилмаган манбалар – 8 та;

Ялпи ифлослантирувчи моддалар миқдори – 19,483959 тн/йил.

“Шафран красс” маъсулияти чекланган жамияти пишган ғишт ишлаб чиқариш корхонаси учун ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбаларни ҳисобга олиш, уларнинг сони, манбалардан ажралиб чиқадиган моддалар миқдори аниқланди.

Корхонада жами атмосферага ифлослантирувчи моддалар ажратувчилар 80 та, манбалар сони эса 10 тани ташкил этади ва улардан қуйидаги ингдриентлар яъни ифлослантирувчи моддалар ажралиб чиқади:

- Анорганик чанг;
- Карбон (углерод)оксиди;
- Азот оксиди;
- Бензапирен;
- Пайванд чанги;
- Марганец оксиди;

Ўтказилган илмий изланишлар ва ўлчаш натижаларига кўра “Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбаларни ҳисобга олиш” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тасдиқлаш учун Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига тақдим этилди.

КИРИШ

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалардан, ер ости ва ер усти сувларини саноат корхоналаридан чиқаётган оқова сувлардан муҳофаза қилиш ҳозирги замоннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб, умумжаҳон аҳамиятига эгадир.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи жараённи ўрганиш энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларини ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларнинг йул қўйилиши мумкин бўлган чегаравий миқдори меъёрлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш кенг йўлга қўйилган. Бундай ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ҳудуднинг қанчалик даражада ифлосланишини аниқлаш ва уларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Корхонадаги манбалардан чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни меъёр ҳолда ушлаб туриш комплекс ишларини амалга ошириш режалари ишлаб чиқилган.

ТЕРМИН ВА ТУШУНЧАЛАР

Зарарли ифлослантирувчи модда	Атмосферага чиқариб юбориладиган атроф муҳит ва кишилар саломатлигига таъсир этувчи нарса.
Атмосферани ифлослантирувчи манба	Атмосферага ифлослантирувчи моддаларни қаттиқ, газ ва суюқ ҳолда чиқариб юборувчи манба.
Зарарли ифлослантирувчи модда ҳосил қилувчи саноат манбаси	Саноат корхоналаридаги қурилмалар, маҳсулотларни ортиш-тушириш ва сақлаш жойлари.
Ташкиллаштирилган саноат ифлослантирувчи моддаси	Атмосферага махсус иншоот, яъни ҳаво ва газ сўрувчи мосламалар орқали чиқариб юборилувчи ифлослантирувчи модда
Ташкиллаштирилмаган саноат ифлослантирувчи моддаси	Атмосферага газ ва ҳавони сўриб олувчи мосламаларнинг йўқлиги, ёки уларнинг яхши ишлмаслиги, таъмирланмаганлиги оқибатида маҳсулотларни ортиш-тушириш ва сақлаш жойларида ҳосил бўладиган ифлослантирувчи моддаларнинг йўналтирилмаган ҳолда чиқариб юборилиши.
Ифлослантирувчи модда миқдори	Атмосферага вақт бирлиги ичида чиқариладиган ифлослантирувчи модда.
Зарарли ифлослантирувчи модданинг солиштира миқдори	Ифлослантирувчи модданинг вақт бирлиги ичида чиқариладиган миқдори
Ялпи ифлослантирувчи модда	Манбалардан атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг йиғинди миқдори
Газ тозаловчи қурилма	Битта ёки бир неча газ тозалаш аппаратларидан ва ёрдамчи жиҳозлардан иборат ҳосил бўладиган зарарли чиқиндиларни тозалаб берувчи ва уларнинг зарарли қисмини ушлаб қолувчи қурилма.
Тозаланиш даражаси	Тозаланиб ташланган газ ёки ифлослантирувчи модданинг тозаланмасдан олдинги миқдорига нисбати
Хавфлилиқ даражаси	4-бўлинади: 1-фавқулотда хавфли нарса; 2-юқори хавфли нарса;

	3-сўнувчи хавфли нарса; 4-кам хавф кўрсатадиган нарса;
Энг катта чегаравий сигим ПДК	Аҳолии жойлашган жойларда химиявий моддаларнинг энг катта рухсат этилган чегаравий микдори. Бу сигим инсон организмга ёки нафас олишига 30 минут мобайнида ҳеч қандай таъсир этмаслиги керак.
Ифлослантирувчи модданинг рухсат этилган чегаравий микдори (РЭЧМ)	Аҳоли пунктларида гигиеник меъёрларига риоя қиладиган атмосферага чиқариб юборилувчи ифлослантирувчи модданинг йўл қўйилиши мумкин бўлган микдори.
Вақтинчалик келишилган микдори (ВКМ)	Атмосферага чиқариб юбориладиган ифлослантирувчи модданинг чоратадбирларнинг бажарилишигача бўлган энг кичик микдори.

1.КОРХОНА ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

“Шафран красс” маъсулияти чекланган жамияти пишган ғишт ишлаб чиқариш корхонаси Самарқанд вилояти Иштихон тумани “Митан” қўرғони Чақар қишлоғи ҳудудида жойлашган.

Корхонанинг умумий ер майдони 10,0 гектарни ташкил қилади. Шундан 3,0 гектари тупроқ хом ашёсини қазиб олиш каръери, ғишт ишлаб чиқариш заводи эгаллаган майдон 0,34 гектарни ташкил қилади, қолгани очик дала майдони. Корхонани ғарб томондан узумзор, шарқ, шимол томонлардан очик майдон (адирлик), жанубий ғарб томондан карьер билан чегараланади.

Корхонанинг асосий фаолияти пишган ғишт ишлаб чиқаришдан иборат.

Корхонанинг иш режими 8 соат/бир кеча кундуз, 210 кун/йил. Корхонада фаолият кўрсатаётган ишчи ходимлар сони 14 киши.

“Шафран красс” маъсулияти чекланган жамияти ҳудудида қуйидаги бўлим ва цехлар мавжуд:

- Карьер;
- Қабул қилиш бўлими (бункер);
- Майдалаш ва элаш бўлими;
- Лой тайёрлаш ва қолиплаш цехи;
- Қуритиш бўлими;
- Пишириш цехи;
- Устахона;

Корхона жойлашган ҳудуднинг рельефи текислик, жойнинг рельеф таъсир коэффициентлари 1 га тенг.

Корхона жойлашган ҳудуднинг метеорологик маълумоти ва коэффициентлари жадвалда кўрсатилган.

1.1.КОРХОНА ЖОЙЛАШГАН ҲУДУДНИНГ ИҚЛИМ ШАРОИТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР.

Корхона Самарқанд вилояти Иштихон тумани “Митан” қўрғони “Чақар” қишлоғи ҳудудида жойлашган бўлиб қуйидаги иқлим шароитлари билан характерланади:

-Энг куп иссиқ тарқатадиган соатлар ёзнинг энг иссиқ ойларида тўғри келади. Иштихон туманида у ойига 352-384 соат ёки кутилаётган миқдорнинг 82-90 % ини ташкил қилади.

- Иштихон туманида куз ва қиш мавсумида жанубий ғарб томондан, ёзда эса шимолий ғарб томондан шамол эсиб туради.

Иштихон тумани иқлим шароитига кўра 3 тоифа иқлим ҳудудига киради.

КОРХОНА ЖОЙЛАШГАН ХУДУДНИНГ МЕТЕОРОЛОГИК
МАЪЛУМОТИ ВА КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ

№	Маълумотлар Номи	қиймати
1	Ўрта Осиё шароитида зарарли моддаларнинг ноқулай об- ҳаво шароитида энг кўп миқдорини белгиловчи регионал коэффициент, А	200
2	Жойнинг рельефига боғлиқ коэффициент	1
3	Йилнинг энг иссиқ ойидаги ўртача йиллик энг юқори ҳарорати, Т ⁰ С	+34,7
4	Ўртача йиллик ҳарорат, Т ⁰ С	+14,4
5	Шамол йўналишининг йиллик ўртача миқдори фоиз ҳисобида, румбаларда	
	Шимол	5,5
	Ш.Шарқ	9,4
	Шарқ	29,6
	Ж.Шарқ	26,8
	Жануб	8,3
	Ж.Ғарб	6,2
	Ғарб	8,6
	Ш.Ғарб	5,6
	Штиль	9,1
6	Йиллик ёғингарчилик миқдори, мм	392
7	Шамолнинг ўртача йиллик тезлиги, м/с	2,8

2. Ишлаб чиқаришнинг атмосфера ҳавосини ифлослантириши жиҳатдан қискача технологик маълумоти.

“Шафран красс” маъсулияти чекланган жамияти ҳудудида қуйидаги бўлим ва цехлар мавжуд:

- Карьер;
- Қабул қилиш бўлими (бункер);
- Майдалаш ва элаш бўлими;
- Лой тайёрлаш ва қолиплаш цехи;
- Қуритиш бўлими;
- Пишириш цехи;
- Устахона.

“Шафран красс” маъсулияти чекланган жамияти корхонасининг асосий фаолияти пишган ғишт ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, лойиҳа қуввати 2,0 млн. донани ташкил қилади. Ғишт ишлаб чиқаришга тупроқ хом ашёси корхона ҳудудидаги карьердан олинади. Карьер майдони 3,0 гектарни ташкил қилади. Карьердан бульдозер ёрдамида тупроқ қабул қилиш бўлими (бункер) идишга узатиб (суриб) берилади. Тупроқни суриш, узатиш жараёнида атмосферага ташкиллашмаган ҳолда анорганик чанг ажралиб чиқади. Қабул қилиш бўлиmidан узатиш мосламаси орқали тупроқ хом ашёси майдалаш ва элаш бўлимига узатилади. Узатиш, майдалаш ва элаш жараёнларида атмосферага тарқоқ ҳолда анорганик чанг ажралиб чиқади. Майдалаб эланган тупроқ лой қориш ва қолиблаш бўлимига узатилади. Қолиблаш бўлимида бир кунда ўртача 12-14 минг донга ғишт қолибланади. Ушбу узатиш жараёнида ҳам атмосферага ташкиллашмаган ҳолда анорганик чанг ажралиб чиқади.

Тайёрланган лой пресс орқали сиқилиб, кейин қолибланади. Тайёр ғиштлар телечкаларга солиниб, 9 та қуритиш тунелларига жойлаштирилади ва

қуригилади. Қуриган ғиштлар телечкаларга солиниб, темир йўл изи орқали пишириш бўлимига узатилади. Пишириш бўлими айлана 22 та туйнуклардан, 44 та газ горелкаларидан иборат. Тунелл вентилизация тармоғи билан жиҳозланган. Бир марта тунеллни тўлдиришга 185 минг дона ғишт кетади. 3-4 кунда ғиштлар пишиб тайёр бўлади ва 6-7 кунда совийди. Айлана тунеллда ҳосил бўлган ифлослантирувчи моддалар (чанггаз аралашмалари) вентилизация тармоғи орқали сўрилиб, баландлиги 24 м, кўндаланг кесими 1,0 метр бўлган қувур орқали атмосферага ташланади. Ғишт пишириш жараёнида атмосферага углерод (карбон) оксиди, азот оксиди ва бензапирен ажралиб чиқади. Ҳар 1000 дона ғишт пиширишга 270 м³ табиий газ сарфланади. Тайёр маҳсулот, яъни пишган ғиштлар автотранспорт воситаларига юкланади. Ғишт юклаш жараёнида атмосфера ҳавосига анорганик чанг ажралиб чиқади. Корхонада кўчма электропайвандлаш ускунаси пайвандлаш ишларига ишлатилади. Электропайвандлаш ишида электрод ишлатилади. Электроднинг йиллик сарфи 360 кг. Электрод ёниши натижасида атмосферага тарқоқ ҳолда пайванд чанги ва марганец оксиди ажралиб чиқади.

2.1. Корхонадаги ускуналар ва қурилмалар тўғрисида қисқача маълумот

т/р	Цех ва бўлим номи	Ускуна ва қурилмалар номи, русуми	сони
1	Карьер	Бульдозер	1
2	Қабул қилиш бўлими	Бункер	1
3	Узатиш бўлими	транспортёрлар	3
4	Майдалаш ва элаш бўлими	Майдалаш ускунаси Элаш ускунаси	1 1
5	Лой қориш ва қолиблаш бўлими	Лой қориш ускунаси	1

		Пресс (сиқиш) ускуна	1
		Қолиблаш ускунаси	1
		Телечкалар	20
		Қуритиш тунеллари	9
6	Қуритиш бўлими	Вентиляция тармоги	1
		Газ горелкалари	44
		Қуритиш тунеллари	22
		Чанггаз чиқариш кувури	1
	Жами		107

Корхонадаги атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбалардан ташланадиган ифлослантирувчи моддалар 6 хил бўлиб, ялпи миқдори 19,483959 тн/йил, ингдриентлар бўйича қуйидагича:

- Анорганик чанг – 14,578 тн/йил, 74,82 %;
- Карбон (углерод)оксиди – 4,083 тн/йил, 20,956 %;
- Азот оксиди – 0,817 тн/йил, 4,193 % ;
- Пайванд чанги – 0,0052тн/йил, 0,027;
- Марганец оксиди – 0,0007 тн/йил, 0,0037 %;
- Бензапирен – 0,000059 тн/йил, 0,0003%.

Қаттиқ ифлослантирувчи моддалар миқдори – 14,5832 тн/год (74,847%), газ ва суюқ моддалар миқдори 4,900759 тн/йил (25,153 %)

**АТМОСФЕРАГА ТАШЛАНАДИГАН ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР
МИҚДОРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ҚУЙИДАГИЧА:**

2.1.3. жадвал

№	Номи	Тн/йил	%	Манбалар сони.
1	Асосий ишлаб чиқариш бўлимлари	19,478059	99,970	9
2	Ёрдамчи иншоотлар	0,0059	0,03	1
	ЖАМИ:	19,483959	100	10

**3.АТМОСФЕРАГА ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР
ЧИҚАРАДИГАН МАНБАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ УСУЛИ.**

**3.1. АТМОСФЕРАГА ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР ЧИҚАРАДИГАН
МАНБАЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШ.**

Атмосферани ифлослантирувчи манбаларнинг морфологик параметрларига баландлиги ва уст қисмининг диаметри киради. Манба уст қисмининг диаметри ўлчов лентаси ёрдамида ўлчаш орқали аниқланади. Диаметр қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$D = P/3,14$$

Бу ерда: D – манба уст қисми диаметри;

P – устки қисм периметри;

Ташкиллаштирилган манбаларнинг баландлиги ўлчаш орқали аниқланади. Горизонт ва оғиш бурчаги ўртасидаги фарқ оғиш бурчагини ўлчаш асбоби ёрдамида аниқланади. Манба баландлигини ўлчашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$H = X \times \operatorname{tg} \alpha$, бу ерда

H – манба баландлиги;

X – манба қувири асосидан ўлчанаётган нуқта орасидаги масофа;

$\operatorname{tg} \alpha$ – горизонт текислиги ва қувур устки қисми орасидаги оғиш бурчаги.

“Шафран красс” маъсулияти чекланган жамияти корхонасида атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш 2012 йил июн ойида ўтказилди.

Манбаларни ҳисобга олишда ишлаб чиқаришнинг технологик ва кетма-кетлик жараёнлари урганилди. Бундан ташқари фойдаланилган материаллар тўғрисида ҳисобот олинди.

Манбаларни ҳисобга олишда уларнинг маълумотлари, яъни ташкиллаштирилган ёки ташкиллаштирилмаган манба эканлиги ўрганилди. Манбаларнинг ҳақиқий ишлаш вақти, уларнинг чанггаз тозалаш ускуналари билан жихозланганлиги ва самарадорлиги аниқланди.

3.2. АТМОСФЕРАГА ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР ЧИҚАРАДИГАН МАНБАЛАРНИНГ ДИНАМИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШ.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбаларнинг динамик параметрларига манбанинг устки қисмидан чиқаётган чанггаз аралашмасининг тезлиги ва ҳажми киради. Манба устки қисмидан чиқаётган чанггаз аралашмасининг тезлиги микроанометр ёрдамида ўлчанади ва динамик ҳамда статистик босимлар орқали тўғриланади. Манба устки қисмидан чиқаётган чанггаз аралашмасининг ҳажми эса қуйидаги формула ёрдамида аниқланади ($V = \text{м}^3/\text{сек}$):

$V = W \times S$, бу ерда:

W – чанггаз аралашмасининг тезлиги, м/сек.

S – манба устки қисмининг кўндаланг кесим юзаси, м².

Ҳажм аниқ бўлган ҳолатларда тезлик қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$W = V / S = 4 V / \text{ПД}^2$$

Корхона томонидан атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган сиғими (ПДК) ва хавфлилик синфи

Ифлослантирувчи моддалар номи	Рухсат этилган сиғими (ПДК)	Хавфлилик синфи	Моддалар миқдори тн/йил
1	2	3	4
Анорганик чанг	0,5	3	14578
Карбон (углерод)оксиди	5,0	4	4,083
Азот оксиди	0,2	2	0,817
Пайванд чанги	0,5	3	0,0052
Марганец оксиди	0,01	2	0,0007
Бензапирен	0,1 мкг/100 м ³	1	0,000059

4. АТМОСФЕРАГА ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР ЧИҚАРУВЧИ УСКУНА ВА ҚУРИЛМАЛАР.

1-сонли манба

Маҳсулот (тупроқ)ни карьердан узатиш ва қабул қилиш идиши (бункер)

Атмосферага ифлослантирувчи модда, яъни анорганик чанг чиқарувчи манба ташкиллаштирилмаган манба ҳисобланади. Ҳаво ҳарорати $T = 32\text{ }^{\circ}\text{C}$

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари куйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 3\text{ м}$, диаметри $D = 0,5\text{ м}$.

Маҳсулот тупроқ хом ашёсини бульдозер ёрдамида бункерга суриш, узатиш жараёнларида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади. Тезлик – $4,2\text{ м/с}$, ҳажми – $0,824\text{ м}^3/\text{сек}$.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи 1.4 банди асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангининг миқдори куйидагича ҳисобланди:

$$q = K_1 \times K_2 \times K_3 \times K_4 \times K_5 \times K_7 \times B \times G_{\text{п}} \times 10^6 : 3600, \text{ г/сек}$$

Бу ерда: $G_{\text{п}}$ – қайта ишлов бериладиган материалнинг жами миқдори, тн/соат;

B –материални тўкиш баландлигини ҳисобга олувчи коэффициент B коэффициент «Йурикнома»нинг 1.4. иловаси 1.4.19 жадвалига асосан куйидагича қабул қилинди $B = 0,7$;

K_1 – материалда чангли фракциянинг оғирлик бўйича ҳиссаси. K_2 – чанг ҳиссаси (аэрозолга айланадиган чанглار массаси, $K_1 = 0,01$, $K_2 = 0,03$;

K_3 - маҳаллий метеорологик шароитини ҳисобга оловчи коэффицент, $K_3 = 1,2$;

K_4 — чанг пайдо қилиш маҳаллий шароитини ҳисобга оловчи коэффицент, «Йурикнома»нинг 1.4. иловаси 1.4.15 жадвалидан олинади – 1 га тенг;

K_5 —материалнинг намлигини ҳисобга оловчи коэффицент «Йурикнома»нинг 1.4. иловаси 1.4.16 жадвалидан олинади – 0,8 га тенг;

K_7 – материалнинг йириклигига боғлиқ коэффицент «Йурикнома»нинг 1.4. иловаси 1.4.17 жадвалидан олинади – 0,4 га тенг.

$q = 0,01 \times 0,03 \times 1,2 \times 1 \times 0,8 \times 0,4 \times 0,7 \times 40,0 \times 10^6 : 3600 = 0,896$ г/с.

Чангнинг ялпи йиллик миқдори қуйидагига тенг:

$M = 0,896 \times 3600 \times 1680 : 1000000 = 5,42$ тн/йил.

T - 1680 соат/йил – манбанинг йиллик иш вақти, 3600 – 1 соатдаги секундлар сони.

2-сонли манба

Материал (тупроқ)ни узатиш қурилма (транспортёр)

Узунлиги 6 м, кенлиги 1,2 м.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 3$ м, диаметри $D = 0,5$ м. Ҳаво ҳарорати $T = 30$ °С. Тезлик – 4,4 м/с, ҳажми – 0,864 м³ /сек.

Маҳсулот тупроқни транспортёр ёрдамида узатиш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни

меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангининг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$Q = W_c \times V, \text{ г/сек.}$$

Бу ерда: $W_c = B \times \chi$ чангнинг солиштирма миқдори $W_c = 3 \times 10^{-5} \times 1,2 \times 0,1 = 0,0000036 \text{ кг/м}^2 \text{ с.}$

B – конвейр кенглиги $B = 1,2 \text{ м.}$

V - чанг ажралиб чиқаётган юза – $7,2 \text{ м}^2$

$$Q = 0,0000036 \times 7,2 \times 10^3 = 0,026 \text{ г/сек}$$

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг йиллик миқдори қуйидагига тенг:

$$M_{\chi} = Q \times T \times 3600 : 1000000, \text{ тн/йил;}$$

Бу ерда T – манбанинг бир йилдаги иш вақти $T = 1680 \text{ соат/йил.}$

$$M_{\chi} = 0,026 \times 1680 \times 3600 : 1000000 = 0,157 \text{ тн/йил.}$$

3-сонли манба

Материал (тупрок)ни узатувчи 2-чи курилма (транспортёр)

Узунлиги 8 м, кенглиги 1,2 м.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 3 \text{ м,}$ диаметри $D = 0,5 \text{ м.}$ Ҳаво ҳарорати $T = 32 \text{ }^{\circ}\text{C,}$ тезлик – $4,1 \text{ м/с,}$ ҳажми – $0,804 \text{ м}^3 / \text{сек.}$

Маҳсулот тупрокни транспортёр ёрдамида узатиш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш

Йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангининг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$Q = W_c \times V, \text{ г/сек.}$$

Бу ерда: $W_c = B \times \text{чангнинг солиштирма миқдори}$ $W_c = 3 \times 10^{-5} \times 1,2 \times 0,1 = 0,0000036 \text{ кг/м}^2 \text{ с.}$

B – конвейр кенглиги $B = 1,2 \text{ м.}$

V - чанг ажралиб чиқаётган юза – $9,6 \text{ м}^2$

$$Q = 0,0000036 \times 9,6 \times 10^3 = 0,035 \text{ г/сек}$$

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг йиллик миқдори қуйидагига тенг:

$$M_q = Q \times T \times 3600 : 1000000, \text{ тн/йил;}$$

Бу ерда T – манбанинг бир йилдаги иш вақти $T = 1680 \text{ соат/йил.}$

$$M_q = 0,035 \times 1680 \times 3600 : 1000000 = 0,212 \text{ тн/йил.}$$

4-сонли манба

Материал (тупрок)ни узатувчи 3-чи курилма (транспортёр)

Узунлиги 12 м, кенглиги 1,2 м.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 3 \text{ м,}$ диаметри $D = 0,5 \text{ м.}$ Хаво ҳарорати $T = 31 \text{ }^\circ\text{С.}$ Тезлик – $4,5 \text{ м/с,}$ ҳажми – $0,883 \text{ м}^3 \text{ /сек.}$

Маҳсулот (тупрок)ни транспортёр ёрдамида узатиш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангининг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$Q = W_c \times V, \text{ г/сек.}$$

Бу ерда: $W_c = B \times \chi$ чангнинг солиштирма миқдори $W_c = 3 \times 10^{-5} \times 1,2 \times 0,1 = 0,0000036 \text{ кг/м}^2 \text{ с}$.

B – конвейр кенлиги $B = 1,2 \text{ м}$.

V - чанг ажралиб чиқаётган юза – $14,4 \text{ м}^2$

$$Q = 0,0000036 \times 14,4 \times 10^3 = 0,052 \text{ г/сек}$$

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг йиллик миқдори куйидагига тенг:

$$M_{\chi} = Q \times T \times 3600 : 1000000, \text{ тн/йил};$$

Бу ерда T – манбанинг бир йилдаги иш вақти $T = 1680 \text{ соат/йил}$.

$$M_{\chi} = 0,052 \times 1680 \times 3600 : 1000000 = 0,314 \text{ тн/йил}.$$

5-сонли манба

Материал (тупрок)ни майдаловчи майдалаш ускунаси ва элак.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари куйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 4 \text{ м}$, диаметри $D = 0,5 \text{ м}$.

Маҳсулот (тупрок)ни майдалаш ва элаш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади. Ҳаво ҳарорати $T = 30 \text{ }^{\circ}\text{C}$. Тезлик – $4,4 \text{ м/с}$, ҳажми – $0,864 \text{ м}^3 / \text{сек}$.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангининг миқдори куйидагича ҳисобланди:

$$B \times U$$

$$Q = \frac{\quad}{100}, \text{ тн/йил}.$$

$$100$$

Бу ерда: B – ҳом ашё миқдори $B = 2700 \text{ тн}$.

У – Табиий йуколиш меъёри, % $U = 0,3-0,5$;

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг ялпи миқдори қуйидагига тенг:

$$Q = \frac{2700 \times 0,3}{100} = 8,1 \text{ тн тн/йил.}$$

Вакт бирлиги ичидаги чангнинг миқдори қуйидагига тенг:

$$B = Q \times 1000000 : T : 3600 \text{ г/сек.}$$

$$B = 8,1 \times 1000000 : 1680 : 3600 = 1,34 \text{ г/сек.}$$

6-сонли манба

Материал хом ғиштларни вагон телечкаларга юклаш, тушириш

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 6 \text{ м}$, диаметри $D = 0,5 \text{ м}$.

Маҳсулот хом ғиштларни ортиш-тушириш жараёнларида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади. Ҳаво ҳарорати $T = 28 \text{ }^{\circ}\text{C}$. Тезлик – $3,6 \text{ м/с}$, ҳажми – $0,707 \text{ м}^3/\text{сек}$.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангининг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$Q = 10^{-3} \times g \times B, \text{ тн/йил.}$$

Бу ерда: g – чанг ажралмасининг солиштирма кўрсаткичи, кг/тонна, 1.4.29 жадвалдан олинади. $G = 0,02 \text{ кг/тонна}$.

B – маҳсулот миқдори $B = 5760 \text{ тн}$, бирлик жиҳозга тўғри келадиган материалнинг умумий миқдори.

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг ялпи миқдори қуйидагига тенг:

$$Q = 10^{-3} \times g \times B = 10^{-3} \times 0,02 \times 5760 = 0,115 \text{ тн/йил.}$$

Вақт бирлиги ичидаги чангнинг миқдори қуйидагига тенг:

$$B = Q \times 1000000 : T : 3600 \text{ г/сек.}$$

$$B = 0,115 \times 1000000 : 1680 : 3600 = 0,019 \text{ г/сек.}$$

7-сонли манба

Қуритиш камераси

Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манба қуритиш камераси мўриси ҳисобланади.

Манба ташкиллаштирилган манба, баландлиги $H = 6,0$ м, кундаланг кесим юзаси (диаметри) $D = 0,40$ м.

Ғиштларни тунелларда қуритишда табиий газдан фойдаланилган. Манбанинг йиллик иш вақти 5040 соат. Табиий газнинг йиллик сарфи 126 минг м^3 .

Табиий газ ёниши натижасида атмосфера ҳавосига углерод (карбон) оксиди, азот оксиди ва бензапирен ажралиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи 1.13. бандига асосан атмосферага ташланадиган углерод (карбон) оксиди ва азот оксиди миқдори қуйидагича ҳисобланди:

Табиий газнинг ҳақиқий сарфи қуйидагича – $126000 \text{ м}^3/\text{йил}$ ёки – $0,0069 \text{ г/сек.}$

Табиий газнинг зичлиги – $0,723 \text{ кг/м}^3$

Ҳажмий оғирлиги қуйидагига тенг – $4,99 \text{ г/сек.}$

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори қуйидагича:

Углерод (карбон)оксиди – $0,001 \times 4,99 \times 0,5 \times 0,5 \times 52,0442 \times 0,995 = 0,065$ г/сек

Азот оксиди – $0,001 \times 4,99 \times 52,0442 \times 0,05 \times (1 - 0) = 0,013$ г/сек.

Ифлослантирувчи моддаларнинг ялпи йиллик миқдори:

Углерод (карбон)оксиди – $0,065 \times 5040 \times 3600 \times 10^{-6} = 1,18$ т/йил.

Азот оксиди – $0,013 \times 5040 \times 3600 \times 10^{-6} = 0,236$ т/йил.

Манбадан чиқишдаги газ аралашмасининг тезлиги қуйидагига тенг бўлди:

$$W = 5,4 \text{ м/с}$$

Чанггаз аралашмасининг ҳажми эса қуйидагига тенг :

$$V_T = \frac{\pi \times D^2}{4} \times W = \frac{3,14 \times 0,4^2}{4} \times 5,4 = 0,678 \text{ м}^3/\text{с}.$$

Бенз(а)пирен миқдори қуйидаги формула орқали аниқланди:

$$Q_b = \frac{C_b V_b t n}{10^6}$$

Бу ерда, C_b – бензапирен сигими мкг/м³, 1.13.6 жадвалдан олинди- $C_b = 0,95$

V_b – газ оқимининг ҳажми:

$$V_b = \frac{V_T 273 P}{(273+T) 7453}, \quad T = 60^\circ\text{C}$$

$$V_b = \frac{0,678 \times 273 \times 736,6}{(273+60) 7453} = 0,055 \text{ м}^3/\text{с}.$$

$$Q_6 = \frac{0,95 \times 0,055 \times 86400 \times 1}{10^6} = 0,0045 \text{ г/сут}$$

$$B = 0,0045 : 14400 = 0,0000003 \text{ г/сек}$$

Бензапирен йиллик миқдори қуйидагига тенг:

$$П = 0,0000003 \times 5040 \times 3600 \times 10^{-6} = 0,000005 \text{ тн/йил}$$

8-сонли манба

Ғишт пишириш цехи

Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манба пишириш цехидаги ифлос ҳавони сўрувчи вентиляция тармоғига уланган қувур ҳисобланади.

Манба ташкиллаштирилган манба, баландлиги $H = 24,0$ м, кўндаланг кесим юзаси (диаметри) $D = 1,0$ м.

Пишириш цехида табиий газдан фойдаланилган. Манбанинг йиллик иш вақти 5040 соат. Табиий газнинг йиллик сарфи 310 минг м^3 .

Табиий газ ёниши натижасида атмосфера ҳавосига углерод (карбон) оксиди, азот оксиди ва бензапирен ажралиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи 1.13. бандига асосан атмосферага ташланадиган углерод (карбон) оксиди ва азот оксиди миқдори қуйидагича ҳисобланди:

Табиий газнинг ҳақиқий сарфи қуйидагича – $310000 \text{ м}^3/\text{йил}$ ёки – $0,0171 \text{ г/сек}$.

Табиий газнинг зичлиги – 0,723 кг/м³

Ҳажмий оғирлиги қуйдагига тенг – 12,36 г/сек.

Атмосферага ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг вақт бирлиги ичидаги энг катта миқдори қуйдагича:

Углерод (карбон)оксиди – $0,001 \times 12,36 \times 0,5 \times 0,5 \times 52,0442 \times 0,995 = 0,16$ г/сек

Азот оксиди – $0,001 \times 12,36 \times 52,0442 \times 0,05 \times (1 - 0) = 0,032$ г/сек.

Ифлослантирувчи моддаларнинг ялпи йиллик миқдори:

Углерод (карбон)оксиди – $0,16 \times 5040 \times 3600 \times 10^{-6} = 2,903$ т/йил.

Азот оксиди – $0,032 \times 5040 \times 3600 \times 10^{-6} = 0,581$ т/йил.

